Чунки у ҳеч қачон: Раббим! Менинг хатоларимни Қиёмат кунида мағфират қил!- демаган"- деб жавоб бердилар

Оиша разияллоҳу анҳонинг шундай деганлари нақл қилинган: "Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: "Ё, Расулуллоҳ! Ибн Жудъон жоҳилият пайтида қариндошлари билан борди-келди қилар, мискинларнинг қорнини тўйдирар эди. Ўша ишлари унга фойда берадими?",- деб савол бердим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:"Унга фойда бермайди. Чунки у ҳеч қачон: Раббим! Менинг хатоларимни Қиёмат кунида мағфират қил!- демаган"- деб жавоб бердилар".
[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ислом дини келишидан аввал Қурайш қабиласининг сардорларидан бири бўлган Абдуллоҳ ибн Жудъон ҳақида хабар бердилар. Абдуллоҳ ибн Жудъон қариндошлари билан борди-келди қиларди, уларга эҳсон қиларди, йўқсилларнинг қоринларини тўйдирарди ва бундан бошқа Ислом дини тарғиб қилган ишларни бажарар эди. Аммо бу амаллари Аллоҳга куфр келтиргани ва бирор марта ҳам: "Раббим, Қиёмат кунида менинг хатоларимни кечир!", - демаганлиги учун Қиёматта унга фойда бермаслигини хабар бердилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65009